“Ўзбекистон республикаси валюта биржаси” акциядорлик жамиятида (ЎзРВБ) 2023 йил 23 октябрда Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда “Коррупцияга қарши курашиш масалалари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди

Тадбирда тарих фанлари доктори, профессор Эрназаров Файзулло Нарзуллаевич иштирок этди.

Давра суҳбати “ZOOM” платформаси орқали “On-line” режимда ташкил этилди.

Ф.Эрназаров ўз маърузасида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг умумий стратегиясини амалга ошириш доирасида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва бунда коррупция жиноятига қарши курашиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётганлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

Маърузачи коррупциянинг салбий оқибатлари хусусида сўз юритиб, биринчидан, сиёсий жиҳатдан олганда, коррупция амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларга қаршилик кўрсатувчи ва тўсиқ бўлувчи омилларни вужудга келтиришини; иккинчидан, жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиришини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий тарзда бузилишига олиб келишини; учинчидан, коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емириши ва жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқариши мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

Давра суҳбати давомида маърузачи мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупцияга қарши курашиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлади.

Маърузачининг давра суҳбати ЎзРВБ ходимлари томонидан катта қизиқиш билан тингланди ва тадбир сўнггида ходимлар ўзларини қизиқтирган саволларига маърузачидан атрофлича жавоб олишди. Тадбир якунида ходимлар ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдирдилар.